
Бешариқда Наврўз

Айни дамда туманимизнинг “Мустақиллик” майдонида “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” шиори остида Наврўз байрами тадбирлари ўтказилмоқда

Тумандошларимиз яна кўкламга етказгани шукронасига шоду хуррамлик билан байрам қилишни бошлаб юбордилар.

Айтиш жоизки бу йилги Наврўз тадбирларида халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик, саховатпешалик фазилатлари кенг намоён бўлмоқда.

Байрамга тайёргарлик кўришда ҳар бир безатилган дастурхонларда ўзига хос урф-одат ва анъаналарга алоҳида эътибор қаратганлигини сезиш мумкин.

Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими Расулжон Жўраев байрам тадбири иштирокчиларини, улар орқали эса бутун туманимиз аҳолисини янгилашни ва яшариш, қут-барака, фаровонлик айёми билан самимий муборакбод этди.

— Биз баҳор, яшариш ва янгилашни фасли – Наврўзи оламини ҳамisha орзиқиб, интизорлик билан кутамиз.Аммо, бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланаётгани билан янада эса қоларли бўлмоқда десам, ўйлайманки, сизлар ҳам менинг фикримга қўшиласиз, — дея Расулжон Жўраев бу йилги Наврўзнинг халқимиз учун ўзгача аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтди.

"Наврўз сайли" туманимизнинг ёрқин юлдузлари томонидан ижро этилган дилтортар тароналар билан янада файзли ўтди.

2024-03-18 14:18:24